

**ХИЗМАТЛАР КҮРСАТИШГА (ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА)**  
**ОИД ШАРТНОМА № 1**

Бухоро шаҳри

« 08 » январь 2022 йил

Ёнгин автоматикаси МЧЖ (кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади) номидан ўзининг Низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи раҳбари З.Бозоров тимсолида, бир томондан ва "Аму-Бухоро" ирригация тизимлари хавза бошкармаси, (кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади) номидан ўзининг Низоми, асосида иш юритувчи бошкарма бошлиғи Э.Файзиллаев тимсолида, иккинчи томондан мазкур шартномани кўйидагилар хакида туздилар.

**I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

- 1.1. Мазкур шартнома бўйича "Бажарувчи" "Буюртмачи"га Бошкармага тегишли автотранспортларни жорий таъмирлаш (кейинги ўринларда – "Хизматлар" деб юритилади) хизмат кўрсатиш, "Буюртмачи" ушбу "Хизматлар"ни кабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
- 1.2. "Хизматлар"нинг аник турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи мазкур шартноманинг таркибий кисми хисобланган спецификацияда келтирилади.

№	Товар ва хизматлар номи	Улч. Бирл.	Сони	Нархи	Бахоси
1	Рем комплект сальник гидроцилиндр для Экскаватор	кт	4	620000	2480000
2	Рем комплект топ аппарат Экскаватор	кт	3	1780000	5340000
3	Клапан для регулировка гидронасос	шт	6	660000	3960000
4	Палец для стрело Экскаваторов	шт	8	780000	6240000
5	Втулка для палец Экскаваторов	шт	18	280000	5040000
6	Каток для Экскаваторов JVI-230	шт	4	1590000	6360000
7	Направляющий барабан для Экскаваторов	шт	4	5500000	22000000
<b>Жами:</b>					<b>51420000</b>

1.3. "Хизматлар"ни кўрсатиш муддати 2022 йил "08" январдан 2022 йил "31" декабргача амалга оширилади.

**II. ТОМОНЛАРНИНГ  
ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**2.1. "Буюртмачи"нинг хукуклари:**

2.1.1. "Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошка норматив хужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. "Бажарувчи"дан "Хизматлар" Буюртмачи "нинг хисобига транспортда бажарилганда транспорт харажатларини коплашни талаб қилиш;

2.1.3. "Бажарувчи"дан мазкур шартномага мувофик бериладиган кўрсатилишини буюртманомага мувофик тегишли сифатга эга бўлган "Хизматлар" кўрсатилишини талаб қилиш;

2.1.4. зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" шунга ўхша "Хизматлар" билан алмаштирилишини;

- "Хизматлар"нинг камчиликлари белул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Буюртмачи" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини коплашни;

- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар копланишини "Бажарувчи"дан талаб қилиш.

**2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:**

2.2.1. «Хизматлар»ни 2022 йилда ривожлантириш жамғармасидан ажратилган маблағлар доирасида "Бажарувчи" билан шартнома тузиш;

2.2.2. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофик кабул қилиш;

**2.3. «Бажарувчи» қўйидаги хукукларга эга:**

2.3.1. Кўрсатилган "Хизматлар" учун олдиндан ҳак тўланишини ва амалдаги конун хужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил хисоб килинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган буюртманомага мувофик кўрсатилган "Хизматлар"ни кабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар копланишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш.

**2.4. «Бажарувчи» қўйидагиларга мажбур:**

2.4.1. «Буюртмачи» билан тузган шартномаси Фазначилик бўлимидан руйхатдан ўтказилгандан сўнг "Хизматлар"ни кўрсатиш:

- 2.4.2. "Буюртмачи"га "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофик ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибида бериладиган унинг буюртманомасига мувофик муддатлар, сифат ва микдорда кўрсатиш;
- 2.4.3. Агар "Хизматлар"ни кўрсатиш жараёнида "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишига йўл кўйган бўлса, "Буюртмачи"нинг талаби билан аникланган барча камчиликларни 10 кун муддатда текин тузатиб бериш.
- 2.4.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли карорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари хисобига тузиладиган шартномаларида, коидага кўра, 15 фоиз микдорида олдиндан ҳак тўлаш назарда тутилган

### **III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ**

- 3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **51420000** сўмни ташкил этади. Кўрсатиладиган "Хизматлар"нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.
- 3.2. "Буюртмачи" кўрсатиладиган "Хизматлар" туркуми суммасининг 30 фоизи микдорида 2022 йилнинг январь ойида олдиндан ҳак тўлайди ва Кўрсатилган "Хизматлар" учун кабул килиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин "Хизматлар" туркуми суммасининг 70 фоизи микдорида 2022 йилнинг 31 декабргача якуний тўловни амалга оширади.
- 3.3. Кўрсатилган "Хизматлар" учун пул кўчириш йўли билан накд пулсиз тартибида хисоб-китоб килинади.

### **IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ**

- 4.1. Шартнома мазкур шартнома ва конун хужжатлари шартлари ва талабларига мувофик зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига кабул килинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб хисобланади.
- 4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, конун хужжатлarda белгиланган холлар бундан мустасно.
- 4.3. "Хизматлар" кабул килиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана хисобланади. "Буюртма"чининг Хисоб-китоб хужжатида ғазначилик бўлинмаларининг штампида кўрсатилган сана "Хизматлар"га ҳак тўлаш бўйича "Буюртмачи" мажбуриятлари бажарилган сана хисобланади.
- 4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган холда кўрсатилган "Хизматлар"ни кабул килишни рад этишга ҳаклидир.
- 4.5. Назарда тутилган микдордан ортиқча бир номда "Хизматлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Хизматлар" ўрнини тўлдириш сифатида карапмайди ва кўрсатилмаган "Хизматлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Хизматлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган холлар бундан мустасно.
- 4.6. Кўрсатилган "Хизматлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича кабул килинади. Далолатномада кўрсатилган "Хизматлар" микдори, уларнинг сифати кўрсатилади.
- 4.7. Шартномада назарда тутилган "Хизматлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофик ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомаси кўрсатилган муддатлар ва хажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу максадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади. Буюртманома "Хизматлар"нинг тегишли кисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар

оркали, почта оркали ёки бошкacha тарзда берилади. Буюртманомани чопар оркали кабул килишда "Бажарувчи"нинг ходими "Буюртмачи"да коладиган нусхага санани кўрсатган холда у кабул килинганилиги тўғрисида белги кўяди.

4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор килишга ёхуд "Хизматлар"нинг тегишли кисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳаклидир, бу ҳакда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор килади.

### **V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

- 5.1. "Хизматлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Хизматлар"нинг 25 фоизи микдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Хизматлар" кўрсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.
- 5.2. Хизматлар кўрсатиши кечикирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган такдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечикирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган "Хизматлар" кийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажарышдан ва "Хизматлар" кўрсатиш муддати кечикирилиши ёки тўлиқ кўрсатилмаслиги туфайли ётказилган зарарлар копланишидан озод этмайди.
- 5.3. Кўрсатилган "Хизматлар" учун ўз вақтида ҳак тўлдирилганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечикирилган хар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида маҳсус хисобракамидан пеня тўлайди, бирок бу кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.
- 5.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фукаролик конунчилиги нормаларига мувофик кўлланилади.

### **VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

- 6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан такдирда, томонлар, коидага кўра, мустакил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.
- 6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат килишга ҳаклидир.

### **VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ**

- 7.1. Мазкур шартнома Ғазначилик бошкармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.
- 7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва хисоб-китоб тўлиқ тугалланган такдирда тўхтатилади.

### **VIII. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ**

8.1. 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси “Бюджет кодекси” нинг 122-моддаси хамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг давлат бюджети маблағлари хисобига капитал курилишга оид шартномалари мажбурий тартибида Газначиликда рўйхатга олиниши шартлиги ва факат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган

#### IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

- 9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошка томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор килиниши мумкин.
- 9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва кўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил килинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий хисобланади.
- 9.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.
- 9.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (кўшимчалар) рўйхатдан ўtkазилгандан кейин бажарилиши керак.

#### X. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ «Бажарувчи»

Ёнғин автоматикаси МЧЖ

(Товар етказиб берувчи ёки хизмат кўрсатувчининг номи)

Манзил: Шоғиркон т.

Тел: 90-511-88-17

х/в : 20208000505417171001

Банк номи : Агробанк Шоғиркон филиал

МФО : 00093

СТИР : 308685874



Рахбар

З.Бозоров

М.Ҷ.

Хуқуқиунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш):

“Аму-Бухоро” ИТҲБ

(бюджетдан маблағ олувчи ташкилотнинг номи)

Манзил: Бухоро ш. Б.Накшбанд кўчаси 297/1 ўй

Тел./факс : 225-67-25

ш/х : 400121860064017042402170002

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи: 204658762

ОКОНХ: 22100

Газначилик бўлинмаси номи: Бухоро вилояти бўйича  
Газначилик бошқармаси

Газна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Тошкент ш. Марказий банкнинг ХККМ

МФО: 00014

Газначилик бўлинмаси СТИРи: 201122919

Рахбар

Э.Файзиллаев



(имзо)

М.Ҷ.

Х.Муродов